

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА**

**МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ**

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ФАЛСАФА КАФЕДРАСИ**

**ЗОКИРЖОН ҲАМИДОВ**

**АБАЙНИНГ ИЖТИМОИЙ – СИЁСИЙ, АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ**

**АНДИЖОН – 2018**

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон Давлат университети Илмий кенгашининг қарорига биноан нашрга тавсия этилган.

Муҳаррир: **Эргашев Ихтиёр** – Андижон Давлат университети “Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси, фалсафа фанлари номзоди.

**Такризчилар:**

**Юлдашева Фаридахон** – Андижон Давлат университети “Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири, фалсафа фанлари номзоди, доцент.

**Одилов Қодиржон** – АВХТХҚТМО ҳудудий маркази “Ижтимоий фанлар методикаси” кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди.

Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг 2018 йил 13 мартдаги “Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида”ги қарорида шундай эътироф бор: “Буюк маърифатпарвар шоир ва мутафаккир, эзгулик ва дўстлик куйчиси Абай Қўнонбоевнинг шарафли номи ва бой ижодий мероси нафақат қозоқ халқи, айни пайтда бутун туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқининг ҳам қалбида безавол яшаб келмоқда.

Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари янги босқичга кўтарилаётган бугунги кунда Абай Қўнонбоев сингари улуғ алломаларнинг ўлмас мероси халқларимиз учун янада муҳим аҳамият касб этади”<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва ахлоқий ҳаётида, миллий ўзлигини англаш даражасининг юксалишида қозоқ халқининг буюк фарзанди Абай Қўнонбоевнинг хизматлари беқиёсдир.

---

<sup>1</sup> Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори, 2018 йил 13 март. –“Халқ сўзи” газ-си, 2018 йил 14 март.

## **Абайнинг ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий қарашлари**

Қўнонбой ўғли Абай XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб, ижод этган маърифатпарвар адиб, козок шеърятининг яловбардори, етук ахлоқшунос файласуфи, бастакори ва козок ёзма адабиётининг асосчисидир.

Абай Шарқий Қозоғистон (аввалги Семипалатинск) вилоятига қарашли, ҳозирги Абай туманидаги Чингизтоғ этагига жойлашган Қашқа булоқ манзилида 1845 йилнинг 10 августида Тўбикти уруғида дунёга келди. Отаси Ўсканбой козок уруғлари орасида энг бадавлат ва нуфузли кишилардан бўлса, унинг отаси Ирғизбой бой, улкан бобоси Ўлжой ботирлиги билан шуҳрат топган кишилар эди.

Абайнинг асл исми Иброҳим бўлган, лекин унинг онаси Улжон ҳамда бувиси Зера момо эркалиб “Абай” деб атаганлар. (Абай сўзи - “авайла”, “абайла”, “эҳтиёт бўл” деган маънони англатар экан). Кейинчалик шоир элида Абай номи билан машҳур бўлиб кетган.

Абай бошланғич таълимни хонадонида, ўн ёшидан бошлаб эса ўз овулидаги Ғабитхон исмли мулладан олади, шундан сўнг Семипалатинск шаҳридаги мадрасада уч йил давомида аввал Абдужаббор, кейин Аҳмад Ризо номли муллалардан сабоқ олади.

Бироқ ўн уч ёшли Абайни отаси Қўнонбой мадрасадан чиқариб, эл бошқариш мансабини олиб бериш мақсадида, овулига олиб кетади. Отасининг қистови, саъи-ҳаракатлари билан Абай 1875 йили Қўнғиркўкча мавзеидаги элга бўлис(ҳоким) бўлиб, халқ бошқариш ишида фаолият юрита бошлайди. У, ёш ва тажрибасизлигига қарамай, ўз овулида адолат ва тартиб ўрнатишга, оддий халқнинг оғирини енгил қилишга, ҳудудидаги ноҳақликлар, зулму ситамлар, уруғлар ўртасидаги низоларни бартараф этишга, енгиллаштиришга уринди. Айни пайтда, ёш ҳоким эл-улуснинг равнақига хизмат қилмайдиган, сарқитга айланган кўҳна анъаналар, урф-одатлар, маросимларга, эски усулдаги савод чиқаришга қарши турди, ҳукумат бошқарувида янги, илғор ғояларни қўллашни ният қилди. Бироқ у ҳукмрон табака арбоблари, бий, бойларнинг, шунингдек, чаласавод

муллалар, оми кимсаларнинг ҳам қаттиқ қаршилигига дуч келди. Бу йўлдаги жиддий тўсиқларни, мураккаб муаммоларни ечишда раҳбар Абайни қўллаб-қувватлайдиганлар бўлмади; аксинча, турли бўҳтонларга дуч келди, мажоралар гирдобиди қолди ва 1878 йили бўлисликдан воз кечди.

Абай ёшлигидан бошлаб илмга, шеърят ва бадиий адабиётга қизиқди; мадрасада таҳсил олиб юрган чоғлариданоқ араб, форс, эски ўзбек тилида ёзилган эртак, афсона ва асотирлар, ҳикоя ва достонларни севиб ўқиди. У, айниқса, Шарқнинг буюк алломалари ижодини ўрганишга алоҳида меҳр қўйди. Саъдий Шерозий, Фирдавсий, Низомий, Хўжа Ҳофиз, Навоий, Фузулий ва бошқа шоирларни ўзига устоз билди, улардан мадад сўради:

Фузулий, Шамсий, Сайқалий,  
Навоий, Саъдий, Фирдавсий,  
Хўжа Ҳофиз – бу ҳаммангиз,  
Мадад беринг, қилмангиз осий! <sup>2</sup>

Абайнинг 1855-1881 йилларда ёзган қатор шеърлари, хусусан “Алифбо”, “Юзи равшан”, “Фузулий, Шамсий, Сайқалий” кабилар Шарқ мутафаккирларидан илҳомланиб ёзилган ижод намуналари бўлиб, бу шоирнинг Шарқ мумтоз адабиётига бўлган беқиёс ҳурмати ва чексиз эҳтиромининг ифодаси эди. Қозоқ халқининг атоқли ёзувчиси, Абай ҳаёти ва ижодининг чуқур билимдони, академик Мухтор Аvezов: “XIX асрдаги қозоқ адабиётининг Абай, Шангерей, Шоди тўра Жангиров, Шўртанбой Қанай ўғли, Ақан Сери каби йирик намояндалари ижодида Алишер Навоий ғазаллари ва достонларининг таъсирини кўрамиз”, дейди ва “...унга(Абайга) тиллари тушунарли бўлганлигидан Навоий, Фузулий асарлари кўпроқ таъсир этган. Айниқса, Абай Алишер Навоийни энг яқин устоз деб билади ва асарларидан илҳом олади”, дейиши ҳеч муболағасиз юксак эътирофдир<sup>3</sup>.

<sup>2</sup> Носир Фозилов. Абай Қунонбоев. – Абай Қунонбоев. Танланган асарлар. Т., Ўзадабийнашр, 1961, 5 б.

<sup>3</sup> Қалдибек Сейданов. Дўстликни қадрлаш – улкан ибрат. - “Халқ сўзи” газ-си, 2018 йил 3 июль.

Умуман олганда, унинг маънавий шаклланиши ва камолотида уч муҳим омил: козoқ халқ оғзаки ижоди, Шарқ забардаст назмийати ҳамда Европа-рус насрий ижодиёти белгилловчи аҳамият касб этди<sup>4</sup>.

Маълумки, Абай Семипалатинск шаҳридаги мадрасада ўқиш билан бир қаторда ўша ердаги “Приходская школа” деб номланган рус мактабида ҳам уч ой давомида ўқиб, рус тилини ўрганди. Буюк рус шоирлари А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, И. А. Кривов кабилар асарларини қунт ва илҳом билан ўқиш унинг салоҳиятини оширди, дунёқарашини кенгайтирди.

Шоир ижоди ва дунёқарашининг камолга етишида Петербургдан козoқ саҳросига сургун қилинган исёнкор Михаэлис, кейинчалик бошқа сиёсий муҳожирлар И. И. Долгополов, Буташевич, Дуров, Леонтьевлар муҳим роль ўйнади. Михаэлис Абайга устозлик қилди. Бу ҳақда шоирнинг ўзи мамнуният билан шундай дейди: “Мени Пушкин, Лермонтов, Некрасов, Толстой, Тургенев, Салтиков-Шчедрин, Белинский, Добролюбов ва Писарев каби атоқли рус ёзувчилари ва танқидчиларнинг асарлари билан таништирган киши Михаэлисдир. У мени ўз отамдан ҳам зиёд тарбия қилди. Тўғрироғи, дунёни тўғри тушунишда менинг кўзимни очди...”<sup>5</sup>

Шоирнинг юқорида тилга олинган биринчи танланган асариларига сўзбоши ёзган қариндоши Какитой Қунонбоевнинг айтишича: “Агар 80-йилларда Михаэлис ва бошқалар каби сиёсий революционерлар бўлмаганда эди, Абай шу даражага етмаган бўлар эди...Улар Абайни илм ва маданият сари етакловчи сиёсий маслаҳатчилар эдилар”<sup>6</sup>.

Абай сиёсий муҳожирлар билан яқиндан танишиб, улар билан доимий суҳбатда бўлишга, уларнинг дунёқарашини, ўй-фикр, мақсад- муддаоларини билишга қизиқар эди. Ана шундай суҳбатлардан бирининг тафсилотини сиёсий муҳожирлардан бири Леонтьев қуйидагича ёзади: “Мен бу ерда бир қирғиз(ўша пайтларда руслар козoқларни қирғиз деб аташган – Н.Ф.) чолни биладан, у билан биринчи марта учрашганимда мендан у индукция билан

<sup>4</sup> Қаранг: Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. 1 китоб. -Т.: “ФМЖН”, 2004, 437-440 бетлар.

<sup>5</sup> Абай. “Избранное”, Петербург, 1909 г. стр. 109.

<sup>6</sup> Ўша жойда.

дедукциянинг фарқини сўраб қолди. Кейинчалик билсам, у инглиз файласуфларининг рус тилига таржима қилинган асарларини ҳам ўқир экан”<sup>7</sup>. Абайнинг сургундаги сиёсий муҳожирлар билан яқиндан муносабатларидан шубҳага тушган уезд бошлиғи Новорицкий 1886 йили унинг уйида тинтув ўтказди.

Абай Е. П. Михаэлиснинг маслаҳатларига кўра, рус адабиётининг кўплаб буюк намоёндалари асарларини кунт билан астойдил ўрганади, айримларини қозоқ тилига таржима қилади ва миллатнинг маънавий мулкига айлантиради. Шу билан бир қаторда, тарихий, фалсафий, табиий-илмий асарларни, хусусан Спенсер, Спиноза, Льюж, Дарвин кабиларнинг асарларини ўқиб, завқ билан ўрганади. Шунингдек, у Арасту, Сукрот, Афлотун, Гегель сингари машҳур файласуфларнинг асарларидан баҳраманд бўлади, Ғарб адабиёти классиклари Байрон, Гёте каби ижодкорларнинг асарларини севиб мутолаа қилади. У ўзи излаган маънавий бойликни, инсоний комилликни, сиёсий етуқликни рус муҳожирларидан топди. Европа ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаёти билан яқиндан танишиш унинг дунёқарашида туб бурилиш ясади. Абай бежизга “Менинг қаъбам Шарқдан Ғарбга кўчди” деган эътирофни қилмаган. Кези келганда, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, атоқли қозоқ маърифатпарварлари Ч. Валихонов, И. Олтинсарин, Абайлар қозоқ халқи билан рус халқининг дўстлигига асос солганлар.

Абай ҳокимлик йилларидаги фаолияти давомида, шунингдек, сургундаги рус зиёлилари билан мулоқотлари таъсирида ҳаётнинг мазмун-моҳиятини, яшашнинг мақсад-муддаосини теран англаб етди; турмушнинг аччиқ-чучигини тотиб, ижтимоий ҳаётдаги қарама-қаршиликларнинг туб сабабларини тушуна борди. Эл-юрт орасидаги дов зиддиятларни, зўравонликларни, ўзаро келишмовчиликларни ўз кўзи билан кўриб, бошидан ўтказди; ҳаётнинг дош қозонида тобланди. Ҳатто, отаси Қўнонбойнинг ўз

---

<sup>7</sup> “Сибирь и ссылка”. Петербург, 1909 г. стр. 83. (Иқтибос Носир Фозиловдан олинди: Абай Қўнонбоев. – Абай Қўнонбоев. Танланган асарлар. Т., Ўзадабийнашр, 1961, 8 б.

овулига, қондошларига қилаётган ноҳақликларини, жабру зулмларини кўриб, отасига қаршиликлар қилди. У ўз отаси, бадавлат Қўнонбойнинг бирдан-бир ёрдамчисигина эмас, балки адолат байроғини баланд кўтарувчи, адолатни ёқловчи, заҳматкаш халқ ҳаётини ҳимоя қилувчи инсон бўлиб шаклланди<sup>8</sup>.

Абай хонавайрон юртининг, жафокаш халқнинг барча кўргуликлари, хор-зорликлари, шунингдек авж олаётган низо ва иллатларнинг сабабчиси маҳаллий “казо-казолар”нинг бойлик учун, бўлислик, бийлик учун ҳар қандай ифлосликлар, разилликлардан қайтмаётганликларида деб билди. Халқ гарданидаги бу харомтомоқлар эл-юрт ғамини емас, балки ўз мавқеининг, нафсининг кўйида бўларди. Пора билан сотиб олинган бўлислик ҳам мазлумлар ҳисобидан бўлар эди. Бундай ноҳақликларнинг жонли гувоҳи бўлган шоир ўзининг “Кулембойга”, “Бўлис бўлдим мана, кўр”, “Хурсанд бўлар бўлисинг”, “Юрагим менинг қирқ ямоқ” каби шеърларида уларнинг кирдикорларини аёвсиз танқид қилади:

Мажуснома, ёт урфли ёвлар олмиш,  
Бермасанг гар, мен сени ёт кўраман деб...  
...Юз қорага(қорамолга) икки юз оларман бор,  
Бош қотирар, ҳаммасини текшираман деб...

Ёки

Қороли оч ўлса не, бой ўзи тўқ,  
Ҳақ танимас, бағрингга қадалсин ўқ!  
Ёш бола, кампир-чолни тентиратмай,  
Ҳеч бўлмаса бир қиш боқ, инсофи йўқ!

Абай яхши кунларнинг келишига, бу хор-зорликларнинг тугашига, адолатнинг қарор топишига умид боғлайди, ишонади:

Ёмонлар қилолмайди ҳалол меҳнат,  
Ғарлик, ўғирлик қилиб кулар тоза.  
Ҳаром ишдан ёмонлик кўрмай қолмас,

---

<sup>8</sup> Қаранг: Сейданов Қалдибек. Қозоқ халқининг улуғ намоёндаси(сўзбоши). – Абай. Ёрқин юлдуз: шеърлар, поэмалар, насиҳатлар. – Т.: “O’zbekiston”, 2015, 5 б.



Минг кун синмас, бир кун синар кўза!

Шу билан бирга шоир ҳукм сураётган адолатсизликлар, ноҳақликлар, бошбошдоқликлар, нодонликлар ҳамда мутеликлар олдида ўзининг чорасизлиги, якка-ёлғизлигини тан олиб, афсусланади ва замондошларидан, келажак авлоддан унга тана қилмасликлари, кечиришларини сўрайди:

Чангалзор, чакалакзор ерда ўсдим,

Минг-ла ёлғиз курашдим, гина қилма!

Абай 1885 йили Шарқий Қозоғистонда яшовчи қозоқлар учун 60 моддадан иборат қонун лойиҳасини тузиб, жорий қилади. У мазкур қонун лойиҳаси асосида ўз даври имконияти даражасида адолатли иш кўрди<sup>9</sup>.

Абай 1886 йилдан, яъни ёши қирқдан ошгандан сўнг, ёшлигида машқ қила бошлаган шеърятга яна қайтди ҳамда ижодга ўзини астойдил бағишлади. Шоир бу ҳақда шундай дейди: “Ёшим шу ерга етгунча яхши яшадимми, ёмон яшадимми, ҳар қалай яшаб келдим, умримнинг кўпи кетиб, ози қолди, бошимдан не-не савдолар кечмади: олишдим, юлишдим, айтишдим, тортишдим – ҳуллас, бошга тушганини тортиб келдим. Мана энди ёшим қайтиб, қаридим, хоридим, ҳамма қилиб юрган ишларимда маъно йўқлигини, ҳаммаси шунчаки бир гап эканлигини кўрдим, билдим. Хўш, энди қолган умримни қандай қилиб ўтказсам экан?..”- деб, ўзига саволлар беради ҳамда охири қатъий қарорга келади. Ижод қилишга аҳд, азму шижоат унга безавол шон-шуҳрат ато этди: қозоқ халқининг буюк донишманд фарзандига айланди.

Абайдан бизга қолган мерос: унинг 180 га яқин шеърлари ва “Искандар”, “Маъсуд” ва тугалланмай қолган “Азим ҳикояси” поэмалари, шунингдек ўнлаб таржималаридир.

Абай - ўз миллатининг ҳақиқий жонкуяри ва фидойиси. У қозоқ миллий менталитетининг соҳибларидан бири ва чуқур билимдонидир. Мутафаккир қозоқ ахлоқий менталитетининг шаклланиши ва намоён бўлиши

---

<sup>9</sup> Қаранг: Қалдибек Сейданов. Дўстликни кадрлаш – улкан ибрат. “Халқ сўзи” газ-си, 2018 йил 3 июль.

шу халқнинг тарихи, географик жойлашуви, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, яшаш тарзи ва урф-одатлари билан уйғунлигини яхши тушунади. Буюк инсоншунос мутафаккир ўз халқининг турмуш тарзи, ўй-хаёллари, мақсад-муддаолари, дарду хасратларини, мухтасар айтганда, руҳиятини чуқур билади, фазилату иллатларининг жонли гувоҳи, бошидан кечирувчиси. У ўз асарларида ҳаётнинг паст-баландини англаган закий, эл-юрт, уруғларнинг ички низолари, ўзаро келишмовчиликлари ва зўравонликларини бошидан ўтказган донишманд сифатида гавдаланади. Абай асарлари моҳиятан умуминсоний, теран маънавийлик, ахлоқийликка йўғрилган.

Абай шеърӣ асарлари, поэмаларида чин инсоний фазилатларни юқори авжларда куйлаб, “Юрагида ўти бор, тили ширин” халқининг уйғонишга, ўзлигини англашга, дунёни теранроқ тушунишга, адолатли жамиятнинг, фаровон турмушнинг асосларини яратишга ундади, замондошларини миллатчилик, тор маҳаллийчилик, лоқайдлик, нодонлик, тамагирлик, саводсизлик, ўзибўларчилик каби қусур ва иллатлардан қутилишга чақирди.

Шоир шеърлари мавзуларининг кенг қамровлилиги, ранг-баранглиги, шаклан содда, мазмунан теранлиги, самимий ва юракка яқинлиги билан эътиборга сазовор.

Абай шериятидаги бош мотив – Ватан, миллат тақдири, келажаги. Эл-юрт борлиғи, ўй-ташвиши, орзу ниятлари - шоир қалбида. У:

Қозоғим, шўрлик юртим, вайрон юртим!

Қоронғида йўл топмай, ҳайрон юртим!

Ёмон билан яхшини фарқ қилолмай,

Оғзида ҳам қон, ҳам мой, сарсон юртим.-

деб она юрти, юртдошларининг аянчли ахволи, ҳаёт тарзининг реал воқелигини мунгли дард билан баён қилиб, халқини ўз-ўзини англашга, эл-юртида, дунёда бўлаётган жараёнларга фаол муносабатда бўлишга ундайди:

Элат билан элат ёв бийлик учун,

Оға билан ини ёв сийлик учун,

Қозоғим, ўз-ўзингни ўнгламасанг,

Бадбахт кунга қолмасми тақдир бутун?

Шоир оддий халқнинг ночор ҳолини, кундалик турмуш тарзини муайян бир оила мисолида чуқур ачиниш билан кўрсатади:

Гадой шўрлик юради пода боқиб,

Ўтини йўқ исинса олов ёқиб.

Хотин урчук йигирар, юнг савалаб,

Чакмон тўқир совукда елка қоқиб.

Жулдур ўтов ичида музлар гўдак,

На қуюқ, на суюғи...бўзлар гўдак.

Чурук кийгиз остида титрар бобо.

Тушида гўшт кўрганини сўзлар гўдак...

Оқин ижодининг яна бир ёрқин қирраси инсонлар ўртасидаги самимий дўстлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, бир-бирига ишонч ва бир-бирини қўллаб-қувватлашга ундовдир:

Шу ажойиб кунларингни тотув ўтказ,

Етишмаса бирингники, биринг етказ.

Беғараз ва иноқ бўлгин чин кўнгилдан,

Хиёнатли бўлишликни дилдан кетказ.

Бир ерда бирга юрсанг бошинг қўшиб,

Бир-бирингга сўзлагин қалбдан жўшиб.

Бир-бирингни ҳурмат этгил, иззат этгил,

Турмагин бир-бирингдан қўрқиб, чўчиб.

Чин дўстлик улуғ иш эканини уқтирган шоир, рисоладаги инсон бировлар ортидан ғийбат қилиб, кулиб юрмаслигини, ўзгаларга зинҳор-зинҳор сир етказмаслигини, унинг қадрини ноқобиллар ҳеч қачон билмаслигини таъкидлайди.

Абай шеъриятида муҳаббат, севгига садоқат алоҳида бир жўшқинлик, меҳр билан куйланади. Унинг “Порлаган оқ кумушдай кенг манглайли”, “Йигитлар, ўйин арзон, кулки қиммат”, “Қалин соч, орқасига тушган ўрим”, Ёришмас қора кўнглим не қилса ҳам”, “Йигит сўзи”, “Қиз сўзи”, “Сулувлар

сараси...”, “Севги тили – сўзсиз тил”, “Мен салом ёзаман”, “Эсингда борми ёш кунинг?”, “Ошиқлик излаб тентима” каби шеърларида муҳаббатнинг илоҳий туйғу, қалбнинг эҳтиросли тугёни, инсонни эзгуликка, комилликка чорловчи руҳий куч эканлиги уқтирилади. Шоир наздида ошиқ:

Чин юракдан севса экан кимни севса,  
Ўз сўзида турса экан ёнса, куйса.

Абай оила, оилавий муносабатлар мавзусида сўз юритганда оиланинг муқаддаслиги, оилада эр ва хотиннинг ўзига хос бурч ва вазифалари борлиги, йигит уйланаётганда қизнинг ҳусни ва бойлигига учмаслиги, аёл эр йўриғида бўлиши лозимлиги, ўзи боадаб, очик кўнгил, сўзи маъноли, дил оғритмас бўлиши, қизнинг ота, онасининг насл, насабини билиши зарурлиги кабилар муҳимлигига эътиборни қаратади. Оиланинг бахти эр ва аёлнинг бир-бирини суйишида, оилавий муносабатларда бир-бирини қўллаб-қувватлашида, бирга ёниб-куйишида, шодланишида, дейди у. Тотув яшаш – хонадоннинг тинчлиги, гуллаб-яшнашининг бош сабаби, омили:

Хотининг сени суйса, сен уни суй,  
Бирга ёниб, бирга шодлан, бир ўтда куй.  
Эр ақли, хотин доно, лобар,  
Тотув бўлиб яшаса гуллайди уй...

Оқиннинг илм ва касб-ҳунар эгаллаш масалаларига бағишланган шеърлари ўша давр руҳининг фалсафий инъикоси сифатида намоён бўлган дейиш мумкин. Мутафаккир илм олиш, ҳунар эгаллаш ижтимоий эҳтиёж талабларидан эмас, балки одамларнинг ўз шахсий манфаатларини қондириш туфайлидан келиб чиқаётганини тўғри англайди. Ота-оналарнинг, ёшларнинг илм-фанга, касб-ҳунарга қизиқмаётганликларининг муҳим сабабларидан бири ҳам мана шунда эканлигидан чуқур афсусланади. Миллатнинг, давлатнинг буюклиги, қудрати, фаровонлиги ва маънавий равнақи, инсонларнинг донолиги, ишбилармон-тадбиркорлиги, баркамоллиги – барча-барча яхши фазилатлар, сифатлар илм, ҳунар орқали ривож топишини

замондош юртдошларига тушунтиришга ҳаракат қилади. Ёшларнинг илм, хунарни эгаллашга бепаво, лоқайдликларини кескин қорлайди:

Баъзи ўсмир замондошлар хафа қилар,  
Уқуви йўқ, ҳар қадамда хато қилар.  
Ор-номуси, тоқати йўқ, ишончи йўқ,  
Тайини йўқ, фақат кайфу сафо қилар.

.....

Бундай ёшлар ўз юртининг кўрнамаги,  
На ўқийди, на бир хунар ўрганади.  
Меҳнат қилмай, бир амаллаб мол топмоқчи,  
На имону на инон бор, сургалади.

У айрим ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига, уларнинг ўқиб-ўрганишига умуман эътибор бермаслигини, мадраса, интернат, гимназияга фарзандини ўқишга берганларнинг кўпчилиги ҳам “элдан қолмаслик учун”, бирор мансаб илинжида, ўзини “маданий”, “замонавий” кўрсатиш мақсадида эканликларини танқид қилади:

Ўйида йўқ бирининг  
Салтиков ё Толстой.  
Ё тилмоч, ё адвокат  
Бўлсам деган барида ўй.

У илм ўрганиш фақат ўз шахсий манфаати йўлидаги тор иштиёқ бўлиб қолмасдан, балки ватанига, миллатига наф келтирадиган, унинг юксалишига хизмат қиладиган бўлиши кераклигини таъкидлайди.

Абай ҳар қандай ҳалол меҳнат, у қанчалик “ёқимсиз” иш бўлмасин тобелик, қарамликдан яхши эканини уқтиради:

Хунари бор – ҳеч кимга қарам бўлмас!  
Эринчак ҳеч қачон ҳам одам бўлмас!  
Эшак думини ювсанг ҳам, ҳалол меҳнат,  
Ҳалол меҳнат – ҳеч қайда гуноҳ эмас!

Мутафаккир насихат қиладики, одамзод ёшлигидан эгаллаши керак бўлган хосиятли нарсалар, бу:

Уч нарса одамзоднинг хосияти,  
Зўр ғайрат, ёрқин ақл, илиқ юрак.

Демак, Абай улкан реалист шоир, буюк маърифатпарвар донишманд сифатида ўз шеърляти, амалий фаоляти билан қозоқ халқининг юксалишига, миллий ўзлигини англашига бекиёс ҳисса қўшган мутафаккирдир.

### **Абайнинг “Насихатлар” асарида ахлоқ, ахлоқийлик масалалари**

Абайнинг улкан ҳаётй тажрибаси ва бой фалсафий мушоҳадалари том маънода ахлоқшунослик ва амалий ахлоқ масалаларига бағишланган машҳур асари “Насихатлар”да ўзининг ёрқин ифодасини топган. Донишманд, 1890-1898 йиллар оралиғида ёзилган, 45та СЎЗ - кичик-кичик ибратли пандномалардан иборат бўлган мазкур фалсафий насихатномасида ўзи вакил бўлган XIX- асрнинг иккинчи ярмидаги қозоқ ахлоқй менталитетини ҳар томонлама чуқур танқидй таҳлил қилади, миллати олдида турган кенгқамровли ва ўта долзарб ижтимоий, сиёсий, маънавий-маърифий, ахлоқй-дидактик муаммоларни кўтариб чиқади ҳамда уларнинг амалий ечимини топишга ҳаракат қилади. Тарқоқ қозоқ уруғларини бирлаштиришга, уларнинг ўзаро аҳил бўлиб яшашига, халқ ҳаётини ёрқин, турмушини фаровон бўлишига интилади. Шарқнинг бой тарихий ахлоқй анъаналарини Европанинг илғор ахлоқй қарашлари билан уйғунлашган ҳолдаги татбиқини ўз миллатида кўришни истайди. “Насихатлар” асарининг таржимони таниқли адиб Носир Фозиловнинг ёзишича, Абай “ ўз даври ҳаётининг яхши томонларига суянди, ёмон томонларига куйинди. Шунинг

учун ҳам у ўз замондошларига кўпгина насихат қилди, овулини олға етаклашга даъват этди<sup>10</sup>.

Абай “Насихатлар” асари билан буюк сўз устаси, юксак маънавий жасорат соҳиби эканини тўла намоён қила олди. Менимча, асарнинг “Насихатлар(45 қора сўз)” деб номланишининг ўзиёқ менталитет билан боғлиқ бир санъат. Эътибор бериброк қарасак, ўзбекларда номнинг бу тарзда кўйилиши эришроқ, кўполроқдай туюлади, гўё ўқувчини қочирадигандай... “45 қора сўз” иборасида ҳам қандайдир ноодатийлик сезилади, бу, мутафаккирнинг оригинал фикрлаши, мавзуни юксак мантикий англаши далилидир. Ҳикматгўй асар баёнида ўз фикрларини “қозоқ”часига лўнда, “кўпол”, “тарашламай”, “сипоришталамай” ифодалайди: миллатини аяб ўтирмайди, унинг ахлоқи, хулқ-атворидаги характери, нозик қусур, иллатларини кўрсатиб, энг оғритувчи, жон-жонидан ўтказиб юборадиган сўз ва ибораларни қўллаб, ўқувчисига етказишга ҳаракат қилади. Насихатни шунчаки қилмайди, “ошириб” бажаради. Бажарганда ҳам ўзбекча айтганда “томдан тараша тушкандай қилиб” ўқувчининг “ахиллес товони”га уради, гўё пойгадаги моҳир чавандоз (қонида бор-да): тизгинни маҳкам ушлаб, сўз қамчиси билан шундай савалайдики, теккан еридан қон тиззилаб отилиб чиққандай гўё. “Тиғ яраси битади, сўз яраси битмайди”, мақолига монанд.

У насихатларида юртдошларининг эзгулик, адолат, эркпарварлик, элпарварлик, бирдамлик, мардлик, шижоат, меҳнатсеварлик, зиёилик, имонлилик, ҳалоллик каби фазилатлари ўрнини уруғ-аймоғчилик, маҳаллийчилик, беписандлик, дангасалик, лоқайдлик, ўзибўларчилик, нодонлик, тубанлик каби қусур ва иллатлар эгаллаб бораётганидан афсусланади, алам чекади, уларга қарши курашади. Нуфузли ахлоқшунос Абдулла Шер Абайнинг ахлоқдаги шижоатли қарашларини буюк немис файласуфи Фридрих Ницше қарашлари билан қиёслар экан, Абайга ҳам миллий қадриятларни қайта баҳолаш, лозим бўлса, бутун миллатни қайта тарбиялаш сингари ғоялар хослигини таъкидлайди. Хусусан, у қозоқларни ўз

---

<sup>10</sup> Абай Қўнонбоев. Танланган асарлар. – Т., Ўздабийнашр, 1961, 9-б.

турмуш тарзини, феълини ўзгартиришга, бу йўлда лозим бўлса, анъанавий ҳаёт тарзидан, ота-боболардан қолган айрим ўғит-мақоллардан, ҳатто асрлар мобайнида машғул бўлиб келган чорвачиликдан воз кечишига даъват этади<sup>11</sup>:

“Қозоқларнинг бир-бирига душман бўлишининг, бирининг тилагини иккинчиси тиламаслигининг, рост сўзи кам, мансабпараст, ялқов бўлишликларининг сабаби нимада? Бунга дунёда ўтган барча донишмандлар шундай жавоб қилади: ҳар қандай ялқов киши – кўрқоқ ва ғайратсиз бўлади; ҳар қандай ғайратсиз, кўрқоқ киши мақтанчоқ бўлади; ҳар қандай мақтанчоқ, кўрқоқ киши – ақлсиз, нодон бўлади; ҳар қандай ақлсиз, нодон киши – орсиз бўлади; ҳар қандай орсиз киши – ялқов, киши олдида тиламчи, очкўз, суқ бўлади; бундай ҳунарсиз кишилар ҳеч қачон бировга дўст бўлмайди”. Унингча, ёмон фазилатлар(яъни иллатлар- Ҳ.З.)нинг ҳаммаси тўрт оёқли молни кўпайтиришдан бошқа нарса ҳаёлига келмайдиган кишилардан чиқади. Агар инсон экин-тикин, илм-хунар, савдо ишлари билан шуғулланса, бундай ёмон фазилатлар(яъни иллатлар) унга доримаган бўлар эди.

Мутафаккир 24-сўзда ўз халқи менталитетининг ўзига хослигини “бизнинг қозоқларнинг дўстлиги, душманлиги, мақтанчоқлиги, зўрлиги, мол топиши, хунар ўрганиши, эл-юрт таниши дунёда ҳеч бир халқникига ўхшамайди”, деб алоҳида уқтирар экан, бу ўзликнинг салбий жиҳатларини жуда аёвсиз танқид остига олади: “Биз доимо бир-биримиз билан ёвлашиб, бир-биримизнинг молимизни ўғирлаб, бир-биримизнинг қилмиш-қидирмишларимизни киприк қоқдирмай пойлаганимиз-пойлаган. ...наҳот биз ўла-ўлгуниimizча ер юзидаги барча халқлар ўртасида энг хори бўлиб, бир-биримиз билан довлашиб, ёвлашиб, пойлашиб ўтамыз? Ё эса бизлар ҳам ўғрилиқ, муттаҳамликни бас қилиб, одам бўлиб, ер кўриб, эл кўриб, мол-дунёни ҳалоллик билан орттириб, тинч-тотув кун кечирадиган замон келармикин?”.

---

<sup>11</sup> Қаранг: Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Т., “УАЖБНТ” маркази, 2003, 150-бет.



Абай 41-насихатида куюнчаклик билан шундай ёзади: “Маълумки, козоқларни ё кўрқитмай, ё пора бериш йўли билан қўлга олмай туриб, ақл ўргатишнинг, айтганингга кўндиришнинг ва ўз етагингга юргизишнинг ҳеч мумкин эмас. Чунки ота-боболаридан мерос қолган, сут билан кириб, қон-қонига сингиб кетган нодонлик уларни аллақачон одамгарчиликдан чиқариб қўйган... Гап айтсанг уқмайди, қулоғи сенда бўлса ҳам, кўнгли бошқа жойда бўлиб, кўзлари аланг-жаланг қилиб туради... Наҳот шундайлигимизча қолиб кетаверсак!”.

Абай қозоқ мақолларининг таҳлилида замон талабларига мутлақо жавоб бермай қолган анъанавий қадриятларни қайта баҳолашга даъват қилади: “бизнинг қозоқларнинг айтиб юрган мақоллари ичида ишга яроқлиси ҳам, яроқсизси ҳам бор. Баъзилари яроқсиз бўлиши у ёқда турсин, ҳатто на мусулмончиликка ва на одамгарчиликка тўғри келади”, дейди. “Фақир бўлсанг – орсиз бўл!” дейишади. Ордан айрилиб тирик юргандан кўра, ўлган афзал... “Олтинни кўрса фаришта ҳам йўлдан озади” дейишади. Сатқан фаришта кетгурлар-эй! Бу шунчаки, улар ўзларининг шум ниятларини маъқулламоқчи бўлиб айтганлари эмасми?” (29- сўз). “Ярим кунлик умринг қолса ҳам, бир кунлик мол йиғ”, “Ўзингда йўқ бўлса, отанг ҳам душман”, “Моли кўпнинг – юзи ёруғ, моли йўқнинг юзи – чорик”... Бундан маълум бўлдики, қозоқлар тинчлик учун, илм-фан учун, адолат учун ғам емас экан, балки аксинча, мол-дунё учун ғам чекар экан... Ишқилиб ўғрилиқ, шумлик, тиланчилик, қўйинг-чи, шунга ўхшаш ярамас фазилатлар (яъни иллатлар – Ҳ. 3.) билан мол топса - буни айбга санамаслигимиз керак экан”(5- сўз). Мутафаккир миллатни кечириб бўлмас қабихликларга дучор қилувчи ҳолатларни оқловчи мақоллардан юртдошларини огоҳлантиради: “Имонга шак келтирган бандаларни Оллоҳ таоло афу этмайди ва пайғамбаримиз ҳам шафқат қилмайди, бу мумкин ҳам эмас. “Қилич устида шарт йўқ”, “Худой таолонинг кечмас гуноҳи йўқ” – деган қалбаки мақолларга суянганнинг башараси қурсин!”.

Абай “Ҳунарнинг боши бирликда, ризқнинг боши тирикликда” мақолининг чин моҳиятини қозоқлар билмасликларини, улар: от ўртада, ош ўртада, кийим ўртада, бойлик ўртада бўлса экан деб ўйлашади. Ундай бўлса, дейди у, - бойликдан нима фойда-ю, камбағалликдан нима зиён? Бирлик – кўрангдаги молда эмас, *тушунчангда* (курсив бизники – Ҳ.З.) бўлиши керак... “Ризқ-тирикликда” дейишади... Демак, танангда жонинг бўлса – тириклик шуми? Йўқ...Иш вақтида айёр, ош вақтида тайёр бўлиб, сиртинг ялтираб, ичинг қалтираб юриб, тирикман дегандан кўра – бундан худо юборган ҳалол ўлим минг марта афзал”.

Шу замонда қозоқлар нима билан тирикчилик қилишади, деган саволни қўйган муаллиф, биринчиси, ўғирлик, иккинчиси бузуқлик ва иғвогарлик деб, уларнинг қилмишларидан ғазабга келади: “Агар мана шу ўғрилар, мутаҳамлар, иғвогарлар орамиздан йўқолса эди, унда эл-юрт эс-хушини йиғиб олган, тирикчилик ғамига тушган бўларди... Аммо ҳозир бутун халқ мана шу икки бўлмағур одат билан машғул – буни ким тузатади, ким?” Бу буюк маърифатпарварнинг ўз халқига юрагининг туб-тубидан отилиб чиққан армонли мурожаати эмас-ми?! Қайси туркийғўй халқ вакили бундай қаттиқ дашномли хитобни айтиб, жар солган?!

Адиб ақлли киши билан ақлсиз кишини ажратиб турадиган битта нарса бор дер экан, агарда сен ақлли кишиларнинг сафида бўлгин келса, ҳар куни бир марта, ё ҳафтада бир марта, ҳеч бўлмаса ойига бир марта ўзингга-ўзинг ҳисоб бер! Ўтган умрингни қандай ўткизибсан: на илмга, на жамиятга ва на ўзингга фойдали бирор иш қилибсанми?, деган саволни қўяди.

Унингча, инсон фарзанди ўз уст-бошини йиртиқсиз-ямоқсиз, тоза, сипо қилиб кийиниб юргани маъқул. Лекин ўз давлатидан ортиқ кийиниб, керилиб ёки ҳаддан ташқари ўзига зеб бериб юрмоқлик бу-олифтагарчиликдан бошқа нарса эмас... “Одобни кимдан ўргандинг? Беодобдан ўргандим!” деганидек, камина олифтагарчиликни ўзига касб қилган...кишиларни ёқтирмайди. Зотан, инсон фарзанди бир-биридан кийим-боши билан эмас, балки аксинча, ақли,

фазилати, илм-хунари, ор-номуси билан фарқ қилади. Бундан бошқа нарсалар билан, мен фалончидан ортиқман, дейиш бу – ахлоқликдир”.

25- насиҳатда адиб болаларимизни ўқитиш керак, аммо туркийни танийдиган, қўлидан бир иш келадиган, киройи ўқигандан кейин, росмана одам бўладиган даражада ўқитиш керак,... араб, форс тиллари билан шуғулланиш керак, дер экан бунинг учун моддий асос бўлиши шартлигини уқтиради: корни тўқ бўлсагина, илм ўрганагин, ё эса ўғил-қизимга ўргатагин, деб унинг кетига тушади, дейди. Донишманд бу соҳада рус миллатига ҳавас қилади, уларни намуна қилиб кўрсатади, уларнинг тилини, маданиятини ўрганишга чорлайди: “русларнинг илмини ўрганиш, ўқиш керак. Ҳикмат ҳам, илм-хунар ҳам, билим ҳам, мол ҳам – ҳаммаси русларда... Русларнинг илм-хунари дунёни билишнинг калитидир... Сен уларнинг тилини билсанг, қалб кўзинг очилади. Уларнинг тилини, илмини билган киши руслар билан тенг ҳуқуқлик даъвосини қила олади, уларнинг олдида ор-номусини сотиб ялинмайди... ана шундагина биз русларнинг баъзи бир қонунсиз зўрликларига йўл қўймаган бўлур эдик”. Мутафаккирнинг ўз халқига қатъий талаби шундай: “Худодан кўрк, бандадан уял, болам одам бўлсин десанг – ўқит! Аммо ҳеч мол-дунёнгни аяма! Бўлмаса, у ҳам бир нодон қозоқ бўлиб қолгандан сўнг – на сенга, на ўзига ва на халққа роҳат кўрсатади”. Илм ўрганганда ҳам қозоқларга ғамхўр бўлай деб, бизлар ҳам элу юрт бўлиб, одамлардек тинч-тотув яшайлик, деб ният қилиб ўрганиш керак, дейди у.

Унингча, бола онадан туғилганда икки турли одат билан туғилади. Бири: есам, ичсам, ухласам демоқликдир, албатта; шунингдек, булар таннинг сихат-саломатлиги учун зарур ҳамдир... Иккинчиси: кўрсам, билсам демоқликдир. Бола ёшлигида табиий қизиқиш аломатлари ичида яшайди... Нега энди биз ўша болалик пайтимиздаги қизиқувчанлигимизни улғайиб, ақлимиз киргандан кейин ҳам сўраб, билиб олмаймиз ва илм йўлида ишлатмаймиз?... Ақл-идрок бизни ёш кезимизда ўзига тобе қилиб юрган экан, ёшимиз улғайиб, танимиз кучга тўлгандан сўнг, биз ақл кўрсатган йўлдан юрмадик. Ақлни танга қарам қилиб қўйдик... Биров бизга ақл ўргатса: “ Ўз

билганинг – ўзингга, ўз билганим – ўзимга?”, “Киши ақли билан бой бўлгунча, ўз ақлинг билан ёрли бўл”-деган, деймиз. “Бо Худо, кимдан ким ортиқ экан!” деймиз-у, ортиқ эканини билмаймиз, билганлар айтса – ишонмаймиз. Қалбимизда шуъла, кўнглимизда ишонч йўқ. ...ўзимиз ҳеч нарсани билмаймиз-у, лекин кези келганда, бизлар ҳам биламиз, деб нодонлигимизни билимдонликка йўйиб, ўлган-тирилганимизга қарамай, кизаришиб-бўзаришиб, бўйин томирларимизни бўрттириб талашамиз”.

Мутафаккир баъзи одамларнинг худодан фарзанд сўрашларининг сабабларини ҳам ўзича талқин қилади: “Ўлсам ўрнимни боссин, орқамдан Қуръон ўқисин, қариган чоғимда кунимга ярасин”, деб тилашади. Ва жуда жиддий, одамни чуқур ўйга толдирадиган, ўта ташвишли мулоҳазаларга чорлайди: “Дунёда ўзинг кўрган хор-зорлигинг, ўзинг қилган итлигинг озмиди? Энди яна нимага фарзанд кўриб, уни ҳам расво қилишга, хор-зор қилиб ташлаб қўйишга мунча хумор бўлмасанг?

Эсингда бўлсин, охират учунгина фарзанд тилаганинг – фарзандим унмай-ўсмай жувонмарг бўлсин, деганинг бўлади. Борди-ю, унсин-ўссин, деб ният қилган бўлсанг, хўш, қозоқларда униб-ўсиб, ота-онасини жабр-ситамдан кутқарадиган бола туғилганми ўзи ҳеч шу чоққача? Туғилганда ҳам ундай ўғлонни сен каби ота, сенинг халқингдай халқ, сенинг элингдай эл парвариш қилиб камолотга етказарми экан?”

Абай қозоқларда “юраклик киши” дегани - ботир киши дегани, дер экан, қозоқлар юракнинг бундан бошқа фазилатларини тушунмайдилар, дейди ва уқтирадики, раҳм-шафқат қилиш, меҳрибонлик, инсон фарзандини ўз бағрим деб тушуниб, уларга ҳам ўзини аягандай аяб қараш – буларнинг ҳаммаси юрак ишидир; шунингдек, ошиқлик, севги-муҳаббат ҳам юрак иши. Юракнинг маслаҳатига амал қилиб гапирилган гап ёлғон чиқмайди... қозоқларнинг “юраклик” деган кишиси – мақташга унча арзимади. Уларнинг эл орасида: “эр йигит, ботир йигит, пишиқ йигит” деган гапларига ишонмаслик керак. Улар бу сўзлар билан йигитларни бўлар-бўлмасга мақтаб, ҳовлиқтириб, йўлдан оздиришади-ю, охири нима билан тугаши ҳақида

ўйлашмайди. Худога ҳам, бандасига ҳам хуш келмайдиган ор-номусни оёқ-ости қиладиган бу ишлардан ўзини соф тутмайдиган, беҳуда мактовларга учадиган, ўзининг қилаётган ишини ўзи сезмайдиган йигитни яхши йигит деб бўладими? Сатқани яхши йигит кетсин у! Шу ҳам одам бўлди-ю!”

Абай ўз юртдошлари мазаҳ қилиб, устидан кулиб юрган атрофидаги кўшни халқлар ҳаёти, турмушини ўз миллати ҳаёти, турмуш тарзи билан қиёслайди, улардан ибрат олишга ундайди: “...бундоқ ўйлаб қарасам сартлар(ўзбек демоқчи – Ҳ. 3.) эмаган экин, улар олмаган ҳосил, савдогарлари бормаган ер – хулласи уларнинг кўлидан келмаган иш йўқ экан. Улар ўзлари билан ўзлари овора бўлиб, шаҳар халқлари бир-бири билан ёвлашмайди, аҳил яшашади. Ўрисларни ҳисобга олмаганда, улар қозоқларнинг ўлигига кафан, тиригига уст-бош етказиб беришади... Ўрислар истило қилиб олганидан кейин ҳам, сартлар уларнинг илму урфонларини бизлардан кўра аввал ўрганиб олишди. Катта-катта бойлар ҳам, муллалар ҳам шуларда; хушёрлик, усталик, тежовғилик, эпчиллик, уддабуронлик ҳам шуларда, сиполик, одобилик ҳам шуларда”. У фикрини янада далиллаб, ёзади: “нўғайларга қарасанг – улар солдатликка ҳам, очликка ҳам, қабағалчиликка ҳам, ўлимга ҳам чидайди... бизнинг одамларимиз ўзларининг балои нафслари учун нўғайлар эшигида бири чоракор, бири кўшчи бўлиб ишлашади. Бизнинг энг бой деганларимизни ҳам улар: “...чиқ ифлос, сасси қозоқ” деб, уйларида хайдаб чиқаришади.

Ўрислар ҳақида-ку, оғиз очмасак ҳам бўлади. Бизлар унинг қули ҳам, чўриси, қароличалик ҳам эмасмиз”.

37- сўзда донишманд қозоқ халқининг кўплаб мақол, маталларида фойдаланиб, ўзи ҳам қатор ҳикматли фикрларини жамлаб ўқувчини инсоннинг муқаддас бурчи бўлмиш ахлоқийликни ўзида шакллантиришга йўллаш мақсадида ахлоқий тамойиллар, ахлоқий меъёрлар бўстонида чорлайди, одамни чуқур мушоҳада қилишга, эзгулик йўлини маҳкам тутишга ундайди. “Агар давлат менинг қўлимда бўлганида, инсон фарзандини тузатиб бўлмайди, деган одамнинг тилини кесиб ташлардим” дейди.

38- насихатда ҳаётда инсоннинг муқаддас бурчларидан бири – дўст-ёр орттирмоқлиги ва унинг шартлари, ўзини бировдан ортиқ қўйишнинг уч хилидан сақланишнинг зарурлигини таъкидлаб, одамзодни хор қиладиган уч иллатдан: нодонлик, эринчоқлик ва золимликдан эҳтиёт бўлишга чақиради. Уқтирадики, кишига нима фойда-ю, нима зарар эканини ажрим қиладиган куч – ақлдир. Лекин ёмон одатларнинг барчасини биргина ақл кучи билан даф қилиб бўлмайди. Бунинг учун катта ғайрат керак.

Буюк қозоқ донишманди Абайнинг беаёв, кескин, айти пайтда, юрагининг қат-қатидан отилиб чиққан оталарча беғубор панду насихатлари қардош қозоқ миллати ахлоқий менталитетининг янги босқичда шаклланиши ва тараққий топишида ўзига хос таянч нуқта, келажагини белгилашда ишончли йўриқнома вазифасини ўтади ва ўтамоқда. Улуғ ижодкорнинг эзгу ниятлари рўёбга чиқди. Унинг ҳаётбахш ижоди миллати қалбларига малҳам, кўнгилларига ғурур, фаолиятларига қудратли куч бахш этмоқда. Қозоқ халқи, хусусан, қозоқ ёшлари жаҳоннинг етук миллатлари сирасида ўзининг муносиб ўрни, маданиятига эгаллигини намойиш қилмоқда. Адибнинг юксак ижодий маънавияти Ўрта Осиё халқлари ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этган. Абай, йиллар оша ўзбек китобхонларига ўз шоирларидек сингиб, ўзбек халқининг ҳам атоқли маърифатпарваридек алоҳида улуғланмоқда. Унинг асарлари ўзбек китобхонлари қалбидан мустаҳкам жой эгаллаган, номи ҳамиша эъзозда. Шоирнинг маҳобатли ҳайкали Тошкент шаҳрининг марказини беэзоқда, Абай кўчаси Тошкентнинг энг катта ва шинам кўчаларидан бирига айланган. Республикамизнинг қозоқ миллатига мансуб аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудларида Абай номидаги қўрғонлар, қишлоқлар, кўча, маданият уйлари ва мактаблар фаолият юритмоқда.

Президентимизнинг юқорида тилга олинган қарори улуғ оқинга билдирилган юксак ҳурмат ва эҳтиром намунаси бўлиш билан бирга унинг ижодини халқимиз орасида кенг ўрганиш ва тарғиб қилишга қаратилган тарихий ҳужжатдир. Зеро, бу улуғ сиймонинг асарларида мадҳ этилган

умумбашарий ғоялар нафақат қозоқ миллатининг, туркий халқларнинг, балки бутун инсониятнинг эзгу мақсади, орзу-ниятларидир.

### **Адабиётлар:**

1. Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори, 2018 йил 13 март. –“Халқ сўзи” газ-си, 2018 йил 14 март.
2. Абай. Ёрқин юлдуз: шеърлар, поэмалар, насиҳатлар. – Т.: “O’zbekiston”, 2015. – 248 бет.
3. Абай Қўнонбоев. Танланган асарлар. – Т., Ўзадабийнашр, 1961, 202 бет.
4. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. 1-китоб .-Т.: “ФМЖН”, 2004, 437-440 бетлар.
5. Қаранг: Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Т., “УАЖБНТ” маркази, 2003, 256 б.
6. Қаранг: Сейданов Қалдибек. Қозоқ халқининг улуғ намоёнчаси (сўзбоши). – Абай. Ёрқин юлдуз: шеърлар, поэмалар, насиҳатлар. – Т.: “O’zbekiston”, 2015, 248 б. (3-18 бетлар).
7. Қалдибек Сейданов. Дўстликни кадрлаш – улкан ибрат. “Халқ сўзи” газ-си, 2018 йил 3 июль.
8. К. Жўраев, С. Мирзаева. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги адабиёти. Ўқув-услубий қўлланма. –Т.: “Истиқлол”, 2006, 73-75 бетлар.
9. Рустамов А. Эзгуликни тараннум этган улуғ ижодкор. – “Халқ сўзи” газ-си, 2018 йил 27 июль.